

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУХТАМАТОВ ХАСАН РИХСИБАЕВИЧ**

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ИНТЕГРАТИВ ШАКЛДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА**  
**ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК**  
**ТАЪМИНОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Тухтаматов Хасан Рихсибаевич**

Ўқув жараёнида интегратив шаклда ташкил қилишда дастурий воситаларни  
танлаш ва ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш.....3

**Тухтаматов Хасан Рихсибаевич**

Совершенствование учебно-методического обеспечения и выбор программных  
средств в организации учебного процесса в интегративной форме .....23

**Tukhtamatov Hasan Rixsibaevich**

Improvement of educational and methodological support and selection of software in  
the organization of the educational process in an integrative form.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publications.....47**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУХТАМАТОВ ХАСАН РИХСИБАЕВИЧ**

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ИНТЕГРАТИВ ШАКЛДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА**  
**ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК**  
**ТАЪМИНОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Ped3773 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бегимкулов Узокбой Шаимкулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Маматов Дилмурод Нормуродович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон олий таълим муассасаларида ўқув жараёни кундузги ва масофадан ўқитишни бирлаштирган ҳолда амалиётга татбиқ этилмоқда. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган ва 2030 йилгача даврни қамраб олган Инчеон декларацияси<sup>1</sup> доирасида олий таълимда замонавий технологиялар, Интернет ва оммавий очик курслардан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш курсларининг дастурини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш, таълим бериш жараёнида замонавий технологиялар, очик таълим ресурслари ва масофадан ўқитиш орқали турли ёш гуруҳлари ўртасида таълим олиш имконияти, сифати ва тенгликни таъминлаш, ишлаб чиқариш билан алоқани мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича махсус муассасаси ЮНЕСКО, Педагогик таълим бўйича халқаро кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда Жаҳон банки томонидан COVID-19 пандемияси шароитида ўрта, махсус ва олий таълимнинг форс-мажор вазиятларга тайёргарлигини текшириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга ўқув-методик таъминотни замон талаблари асосида такомиллаштириш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни ривожлантириш, ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил этишда дастурий воситаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, масофадан ва интегратив ўқитишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш, замонавий таълим технологияларидан ва ходимларнинг малакасини баҳолашнинг янги механизмларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш бўйича ягона электрон платформани яратиш ва уни таълимнинг барча йўналишларига татбиқ этиш, инновацион фаолият соҳасида ўқитишни ташкил этишга қаратилган юқори самарали халқаро амалиётни таълим тизимига жорий этиш” устувор вазифалар сифатида белгиланган<sup>2</sup>. Бу борада олий таълим муассасаларида табиий ва аниқ фанларни ўқитишда ўқув-методик

<sup>1</sup> Education 2030. Incheon Declaration. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. [http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en\\_2.pdf](http://uis.unesco.org/sites/default/files/documents/education-2030-incheon-framework-for-action-implementation-of-sdg4-2016-en_2.pdf)

<sup>2</sup> “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.

материалларни яратиш ва дастурий таъминотини такомиллаштириш имконияти кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид қатор бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу дисертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада интегратив ва масофадан таълим олишнинг олишнинг назарий, педагогик, технологик, ташкилий жиҳатларини А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Р.Боқиев, Н.А.Муслимов, Н.Тойлоқов, С.С.Ғуломов, Ш.А.Уразметова, Ш.У.Эшонқулов, З.А.Умарова, Ш.Ф.Давронова ва Ф.А.Ширинова; информатика фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари бўйича М.М.Арипов, Ф.М.Закирова, Б.М.Суропов, У.Юлдашев ва А.Ғ.Ҳайитовлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

МДХ давлатларида масофадан ўқитишни татбиқ этган ҳолда кадрлар тайёрлаш, уларни малакасини ошириш жараёнига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш назарияси ва амалиёти масалалари, стандартлар, технологиялар, техник, дастурий воситаларнинг тавсифлари ҳамда мустақил билим олиш А.А.Андреев, В.П.Демкин, В.И.Гриценко, Л.И.Гриценко, И.М.Ибрагимов, Г.В.Можаева, Е.С.Полат, И.А.Тавгень, В.А.Трайнев, И.В.Холодкова тадқиқот ишларида ёритиб берилган. М.П.Лапчик, А.А.Малева, В.В.Малев, А.И.Бочкинларнинг илмий ишларида “Информатика” фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

Хорижий давлатларда масофавий таълимнинг назарий асослари, техник таъминоти, ташкилий шакллари ва дастурий платформалари бўйича изланишларни П.Валиатхан, М.Дрисколл, Д.Киган, У.Косе, М.Мур, Б.Холмберг, М.Хорн, У.Хортон, К.Хортон ва Р.Хуанглар олиб борган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2019 й.й.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** “Информатика” фани мисолида ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишда дастурий воситаларни танлаш ва ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишда қўлланиладиган дастурий воситаларнинг педагогик ва дидактик имкониятларини таҳлил этиш; масофадан ўқитишда қўлланиладиган халқаро стандартлар асосида “Информатика” фани бўйича ўқув-методик материалларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш;

Moodle тизими доирасида “Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитишнинг дидактик моделини такомиллаштириш;

“Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишда дастурий воситаларни танлаш ва ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, унда Гулистон давлат университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университетининг 347 нафар талабалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишда дастурий воситаларни танлаш ва ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбатлар ўтказиш, тадқиқот натижаларини математик ва статистик методлардан фойдаланиб таҳлил қилиш ва умумлаштириш, верификациялаш усуллари (эмпирик текшириш натижаларини ҳақиқатга яқинлигини солиштириш) фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишда ўқув-методик ва дастурий таъминотга қўйиладиган дидактик ва техник талаблар ўқув объектларининг тавсифланиши, тузилиши, формати ва хусусиятларини аниқлаштириб олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш, турли платформаларга ва дарснинг барча кўринишларига мослаштириш орқали такомиллаштирилган.

“Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитишнинг дидактик модели анъанавий ва масофадан ўқитишнинг воситаларини ўргатувчи дастурлар, маълумотлар базаси, билимлар базаси, эксперт тизимлар, аудио- ва видео

материаллар, электрон (виртуал) лаборатория ишлари, виртуал тренажёрларни LMS доирасида ўзаро уйғунлаштириш орқали такомиллаштирилган;

олий таълим муассаларида “Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитиш методикаси ахборот-рецептив, репродуктив, муаммоли ўқитиш, блок модулли ва эвристик ўқитиш методлари асосида тўлиқлик, тизимлик, мантиқий кетма-кетликка асосланганлик, индивидуаллаштирилганлик, очиқлик ва мослашувчанликни таъминлаш тамойилларига мувофиқ такомиллаштирилган;

“Информатика” фани бўйича талабаларнинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг методик таъминоти Moodle LMS тизими базасида дарс/маърузалар, ресурслар, глоссарийлар, сўровлар, топшириқлар, тестлар, форумлар, чатлар (Lesson/Lecture, Resource, Glossary, Poll, Assignments, Quizzes, Forums, Chats) технологияларни аниқ шахсга, амалиётга ва ижодий фаолиятга йўналтириш орқали кўп вариантлик ва эвристик хусусиятлар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқитишда қўлланиладиган ўқитиш воситалари (босма нашрлар, ўргатувчи дастурлар, маълумотлар базаси, билимлар базаси, эксперт тизимлар, аудио ва видео материаллар, телекўрсатувлар, электрон (виртуал) лаборатория ишлари ва тренажерлар.) ва технологиялари классификация қилинган ҳамда улардан фойдаланиш доираси аниқланган;

интегратив/масофадан ўқитишда дастурий воситалар, ўқув-методик материаллар ва уларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар умумлаштирилган ва амалиётда қўллаш учун хулосалар берилган;

олий таълим муассасаларида “Информатика” фанини ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган ҳамда интегратив шаклда дарс машғулотларини (маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, мустақил иш) ташкил этишнинг алгоритми яратилган;

Moodle LMSдан фойдаланилган ҳолда “Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитишнинг web-курси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унинг методологик асосланганлиги, тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида интегратив ўқитишда дарснинг ташкил этиш шаклига кўра ўқитиш воситалари ва технологияларини танлаб олишнинг аниқлаштирилганлиги, ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялардан ва дастурий воситалардан фойдаланишнинг дидактик жиҳатдан асосланганлиги, “Информатика” фанини интегратив

Ўқитишнинг методик тизими ишлаб чиқилганлиги, ўқув-методик материаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш методикаси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрон ўқитиш курсининг таркибий тузилишидан бошқа фанларни ўқитиш курсларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги, ўқув-методик материалларга қўйиладиган талабларга асосланиш орқали уларнинг интероперабеллиги (ўзаро алоқани таъминлаш), кўп марта фойдаланиш мумкинлиги, мослашувчанлигининг таъминланиши, LCMSлардан (ўқитишни ва ўқув контентини бошқариш тизимлари) фойдаланишнинг амалий асоси сифатида хизмат қилиши, тайёрланган ўқув-методик материаллар, методик кўрсатмалар ва масофадан ўқитиш курсидан олий таълим муассасаларида “Информатика” фанини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Информатика” фани мисолида ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишнинг дастурий таъминоти, ўқув-методик материаллар тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

интегратив ўқитишнинг моделлари (юзма-юз ўқитиш модели (Face-to-Face Driver, алмашилган ҳолда ўқитиш модели (Rotation), мослашувчан ўқитиш модели (Flex), онлайн лаборатория (Online Lab), мустақил тарзда аралаш ўқитиш (Self-blend), он-лайн бошқарувчи (Online Driver)) таҳлил қилинган ва республикамиз таълим тизимига мос келувчи модель – алмашилган ҳолда ўқитиш модели (Rotation) аниқланганлиги бўйича маълумотлар “Ўзбекистон Республикасида рақамли трансформация: муаммо ва истиқболлари” номли илмий-тадқиқот лойиҳаси (Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, қ.р.2345, 02.11.2021 й.) доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 11 февралдаги 02-07-374/04-сон далолатномаси). Натижада, интегратив ўқитишнинг мос келувчи моделини аниқлаш ва тавсифлаш имконияти оширилган.

масофадан ўқитишда қўлланиладиган халқаро стандартларни (AICC (Airline Industry Computer Based Training Committee), IMS (Instructional Management Systems), LTSC (Learning Technology Standards Committee), SCORM (Sharable Content Object Reference Model) таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали ўқув-методик ва дастурий воситаларга қўйиладиган талабларни такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Информатика” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500 сон буйруғи билан берилган 500-137 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, ўқув-методик ва дастурий воситаларга қўйиладиган талабларни тадқиқ қилиш ва умумлаштиришга эришилган.

ўқитишни ва ўқув контентини бошқариш тизимларидан (Claroline, Sakai, Moodle, Pias, ATutor) таълим жараёнида фойдаланишни тадқиқ қилиш орқали (тизим интерфейсининг қулайлиги, бир неча тиллар учун мўлжалланганлиги, интегратив таълимда қўллаш мумкинлиги, кенг тарзда қўлланиладиган форматлардан фойдаланиш мумкинлиги, ўқувчилар сонига чегара), электрон

Ўқитиш курсларининг таркибий тузилиши аниқланган ва Moodle LCMS тизими асосида олинган маълумотлар “Ўзбекистон Республикасида рақамли трансформация: муаммо ва истиқболлари” номли илмий-тадқиқот лойиҳаси (Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, қ.р.2345, 02.11.2021 й.) доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 11 февралдаги 02-07-374/04-сон далолатномаси). Натижада, Moodle тизими асосида “Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитишнинг методик тизимини ишлаб чиқишга эришилган;

Ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакллари, методлари, воситалари, назорат шаклларига кўра интегратив шаклда ўқитишнинг дидактик модели ҳамда “Информатика” фани бўйича ўқув-методик материалларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш методикасига оид тавсиялар асосида “Информатика” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500 сон буйруғи билан берилган 500-137 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, яратилган масофадан ўқитиш web-курси фанга оид методик таъминотни оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби “**Ўқув жараёнини интегратив шаклда ташкил қилишнинг илмий-дидактик асослари**” деб номланган. Бу бобда таълимда анъанавий ва масофадан ўқитиш шакллариининг интеграцияси масаласи, узлуксиз таълим тизимида масофадан ўқитиш ва унинг моделлари, масофавий таълимда ўқитиш воситалари ва технологиялари ҳамда ўқув-методик

материаллар ва дастурий воситаларга қўйиладиган талабларга (халқаро стандартлар таҳлили) тўхталиб ўтилган.

Педагогик тадқиқотларда интеграция тушунчаси бир неча кўринишларда қўлланилган ҳамда тадқиқ қилинган: халқаро замонавий таълимда интеграцион жараён; таълим шакллариининг интеграциясини ифодалаш (жумладан, кундузги ва масофадан ўқитиш); таълим муассасалари, фанлар ва уларнинг дастурлари ўртасидаги алоқадорликни ташкил қилиш (айрим фан соҳаларининг ўзаро яқинлиги); олинган назарий билимларни амалиётдаги алоқасини кўрсатиш (назария ва амалиёт уйғунлиги); фан соҳалари ўртасида тушунчаларни (атама, термин кабилар) биргаликда ишлатиш; энг илғор педагогик технологияларни классик ўқитиш технологиялари билан уйғун ҳолда қўллаш.

Уйғунлашган ўқитишни йўлга қўйган таълим муассасаларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, анъанавий ва масофадан ўқитиш шакллариининг интеграцияси натижасида ўқитишнинг қуйидаги моделлари вужудга келди: юзма-юз ўқитиш модели (Face-to-Face Driver). Бу моделда ўқитувчи ўз функциясини аудиторияда тўлалигича бажаради, яъни дарслар анъанавий шаклда ташкил этилади. Ўқув материалларини тақдим этишда босма нашрлар билан бирга электрон нашрлар ва он-лайн курслардан (индивидуал кўринишда) кенг фойдаланилади; алмашилган ҳолда ўқитиш модели (Rotation) – аввалдан белгиланган жадвал асосида он-лайн режимида ўқитувчи билан яккама-якка, мустақил ҳамда анъанавий тарзда ўқишни (аудиторияда) ўз ичига олади; мослашувчан ўқитиш модели (Flex) он-лайн платформага асосланган ҳолда ўқув курслари ташкил қилинади. Бунда ўқитувчи яккама-якка ёки кичик гуруҳлар кўринишида индивидуал ўқитиш дастурлари асосида он-лайн ўқитишни амалга оширади; онлайн лаборатория (Online Lab) – бу ўқитиш моделида ҳам Flex каби онлайн платформа катта аҳамият касб этади. Ўқув материаллари қисм-қисм (модуль) кўринишда ўқувчига тақдим этилади ва муваффақиятли ўзлаштиришдан сўнг кейинги ўқув блокинни ўзлаштиришга рухсат берилади. Бу ерда ўқитувчи вазифасини электрон курс бошқарувчиси бажаради ва айрим ҳолатларда юзма-юз (аудитория доирасида) ўқитиш амалга оширилади; мустақил тарзда аралаш ўқитиш (Self-blend) модели анъанавий тарзда ўқиётганлар учун қўшимча курсларни ташкил қилишга асосланади. Ўқиш вақти ва дастурига қатъий талаблар қўйилмаган ҳолда ўқувчи ихтиёрий тарзда қўшимча курсларни масофадан ўқиш орқали тугатиши мумкин; онлайн бошқарувчи (Online Driver) модели. Ўқув материалларининг деярли барчаси ва ўқув жараёни онлайн платформа доирасида ташкил қилинади. Ўқувчи ажратилган ҳолатда фаолият кўрсатади, баъзан зарурият юзасидан юзма-юз ўқитишни ташкил қилиш мумкин.

Бизга маълумки, анъанавий ўқитишда дидактиканинг қуйидаги асосий тамойилларига асосланилади: ўқитишни маълум мақсадни амалга ошириши учун йўналтирилганлиги, илмийлиги, тизимлилиги, мантиқий кетма-кетликка асосланиши, ҳаммабплиги (ёки реал ўқув имкониятларига мослиги), назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги (ўқитишда қўлланиладиган методлар, воситалар ҳамда унинг ташкилий жиҳатларининг мужассамлиги), аниқлик ва

абстрактликнинг ягоналиги кабилар. Бу тамойиллар ўзаро алоқа ва боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Ўқитишнинг интегратив шаклида эса келтирилган тамойиллар сақланиб қолган ҳолда уларнинг қаторига тўлдирувчи сифатида баъзи бир тамойиллар қўшилади. Жумладан, интерактивлик, бошланғич билим ва тайёргарликка эга бўлиш, индивидуаллаштириш, идентификациялаш, ўқитишда регламентга асосланиш, янги ахборот технологиялардан фойдаланишнинг педагогик мақсадларга мувофиқлиги ҳамда ўқитишда очиклилик ва мослашувчанликни таъминлаш тамойили.

Республикамизда бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, масофадан ўқитиш узлуксиз таълимнинг барча босқичлари даражасида кўриб чиқилмаган. Унинг татбиқини кўп ҳолатларда олий таълимдан кейинги таълимда (малака ошириш) ва сиртқи таълимда кўриш мумкин. 2020 йилдан бошлаб пандемия шароитида кундузги таълим олишни чегаралаш интегратив ва масофадан ўқитишни янада ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда республикамиз олий таълим муассасаларида масофадан ўқитишнинг йўлга қўйилганлик ҳолатини ижобий деб баҳолаб бўлмайди. Республикамиз олий таълим муассасаларидан Самарқанд Давлат университети (<http://mt.samdu.uz/>), Гулистон Давлат университети (<http://moodle.guldu.uz/>), Низомий номидаги ТДПУ (<http://talaba.tdpu.uz/>), Тошкент ахборот технологиялари университети (<https://tuit.uz/masofaviy-talim-tizimi>) масофадан ўқитиш курслари таҳлил қилинди. Келтирилган курсларнинг таҳлили натижасида қуйидаги камчиликлар аниқланди. Жумладан, фаол фойдаланувчилар сонининг камлиги, ўқув-методик мажмуанинг қисман шакллантирилганлиги ва мавжуд стандартларни қўллаб-қувватламаслиги, ўқув контентидан қайта фойдаланиш имкониятининг йўқлиги, курсларнинг доимий равишда янгиланмаслиги кабилар.

Шу билан бирга ҳозирда жаҳон таълим тизимида кенг қўлланилаётган масофадан ўқитиш моделлари ёритиб берилди. Миллий таълим тизимида мос келувчи модель – “битта таълим муассасаси базасида ташкил этиладиган модель” тўғри келиши аниқланди. Айнан интегратив шаклда ўқитишнинг (blended learning) моделларидан келиб чиққан ҳолда алмашилган ҳолда ўқитиш модели (Rotation) тадқиқот ишининг асосий предмети сифатида аниқлаб олинди. Rotation модели аввалдан белгиланган жадвал асосида он-лайн режимида ўқитувчи билан яккама-якка, мустақил ҳамда анъанавий тарзда ўқишни (аудиторияда) ўз ичига олади.

Масофадан ўқитишда қўлланиладиган ўқув воситалари ва уларни етказиш технологиялари классификация қилинган: босма нашрлар (ўқув адиётлари ва уларнинг электрон кўриниши, ўқув-методик қўлланмалар, маълумотномалар ва б.); ўргатувчи дастурлар; маълумотлар базаси; билимлар базаси; эксперт тизимлар; аудио материаллар; видео материаллар; телекўрсатувлар; электрон (виртуал) лаборатория ишлари ва тренажерлар. Фойдаланиш доирасига кўра ўқитиш воситаларининг устун ва камчилик тарафлари кўрсатиб берилди ҳамда дарснинг ташкил этиш шаклига кўра қайси турларидан фойдаланиш кутилган натижани бериши очиб берилди.

Масофадан ўқитишда ўқув материаллари ва дастурий воситаларга қўйиладиган талабларни аниқлаштириб олиш мақсадида халқаро стандартлар ўрганиб чиқилди. Улар жумласига: AICC (Airline Industry Computer Based Training Committee), IMS (Instructional Management Systems), LTSC (Learning Technology Standards Committee), SCORM (Sharable Content Object Reference Model)ни киритиш мумкин. Стандартларни иерархик келиб чиқишини эътиборга олган ҳолда дастурий воситаларга ва ўқув-методик материалларга қўйиладиган талаблар аниқланди ва умумлаштирилди (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Ўқув-методик материаллар ва дастурий воситаларга қўйиладиган талаблар


	Дидактик ва техник талаблар
Ўқув-методик материал (контент)	<p><b>Ўқув объектларини</b> (матн, графика, жадвал, анимация аудио ва видео) <b>тавсифлаш</b> (метамаялумотлар): номи (title), яратувчи (creator), фан (subject), тавсифи (description), нашр этувчи (publisher), ҳамкор (contributor), сана (date), типи (type), формати (format), идентификатор (identifier), манба (source), тили (language), алоқаси (relation), камрови (coverage), ҳуқуқий тарафи (масалан, авторлик) (rights).</p> <p><b>Ўқув-методик материалнинг тузилиши:</b> ўқув-методик материални бўлим ва модулларга бўлиш; ўқув объектларини (матн, жадвал, график, тақдимот, анимация, аудио ва видео) алоҳида ажратиб олиш; ўқув-методик материалнинг иерархик тузилишга олиб келиш; бўлим ва модуллар ўртасида гипербоғланиш ўрнатиш.</p> <p><b>Ўқув объектларининг</b> (матн, жадвал, график, тақдимот, анимация, аудио ва видео) <b>формати ва хусусиятларини аниқлаштириб олиш:</b> матн формати (doc, docx, rtf, html, xls, xlsx, pdf, mathML), шрифти (Times New Roman – матн учун, Arial – сарлавҳа учун), матн ранги (асосий - қора ва ёрдамчи ранг (фон) - оқ, ўлчами (14..32 pt); жадвал формати (xls, xlsx, html, xml), шрифти (Times New Roman – матн учун, Arial – сарлавҳа учун), матн ранги (асосий - қора ва ёрдамчи ранг (фон) - оқ, ўлчами (14..18 pt), чегаравий чизикларни ифодалаш; график объектлар формати (jpeg, jpg, bmp, svg, cmf, png, tif, tiff, wmf), ҳажми 200..300 кБт, қўллашда яхлитлигини сақлаб қолиш (масалан, матн таркибида матн сифатида қабул қилмаслик); анимация формати (gif, fla, smf), қўллашда яхлитлигини сақлаб қолиш ва рангларнинг минимал сони - 512; аудио файллар формати (avi, mp3, wav, wma), оммавий кодеклар учун мўлжалланганлиги, сиқилган ҳамда қисмларга (файл ҳажми 1..10 МБт ва эшитиш вақти бўйича) бўлинганлиги; видео файллар формати (mpeg, mpeg, mp4, ra, rm), оммавий кодеклар учун мўлжалланганлиги, сиқилган ҳамда қисмларга (файл ҳажми ва кўриш вақти бўйича) бўлинганлиги, қўлланилган рангларнинг минимал сони – 512; ўқув объектларини боғлаш тили (модулларни ва объектларни боғлаш учун): html, xml, css, dom; ўқув объектларини архивлаш учун белгиланган форматлар (файлни узатиш, қабул қилиш ва жойлаштириш учун): zip, jar, cab.</p>
Дастурий восита (ўқув контентини ва ўқув жараёнини бошқариш тизимлари)	<p>авторизация қисмининг мавжудлиги; фойдаланиш ҳуқуқларини белгиланиши (администратор, ўқитувчи, талаба кабилар); турли платформаларга мўлжалланганлиги; асосий стандартларни (AICC, IMS, LTSC, SCORM) қўллаб-қувватлаши; қўшимча дастурларга мурожаатнинг минималлаштирилганлиги; коммуникатив қисмининг мавжудлиги (форум, чат, электрон почта); бир неча тиллар учун мўлжалланганлиги; ўқув материални киритиш, таҳрир қилиш ва бошқариш (WYSIWYG RichText-муҳаррир) имкониятини бериши; ўқув материалдан чекланмаган даражада фойдаланиш мумкинлиги; дастур янги версиялари аввал яратилган ва жойлаштирилган ўқув материалларни ўзгаришсиз қабул қилиши; кенг тарзда қўланиладиган форматларни (ўқув объектлари учун) ишлатиш мумкинлиги; ўқувчига доир асосий маялумотларни ифодалаш қисмини мавжудлиги (шахсий маялумотлар, ўзлаштириш кўрсаткичлари, дастурда ишлаш билан боғлиқ параметрлари кабилар); ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжларга кўра ўқув дастурлари, траекториясини ўзгартириш имконияти; дарснинг барча кўринишларини (маяруза, амалий машғулоти ва лаборатория машғулоти, мустақил иш кабилар) қамраш имконияти; билимларни текширишга мўлжалланган осттизимининг мавжудлиги кабилар.</p>

Ўқув-методик материаллар ва дастурий воситаларга қўйиладиган талабларнинг бажарилиши: ўқитиш нарҳининг арзонлашиши; ўқитиш вақтининг қисқариши; ўқув-материалларини яратиш воситаларини тўғри танлаб олиниши; муассаса иш ва ўқитиш самарадорлигининг ортишига олиб келади.

Ўқув-методик контентнинг: интероперабеллигини; кўп марта фойдаланиш мумкинлигини; мослашувчанлигини (бошқа стандартлар учун); ҳаммабоплигини; иқтисодий жиҳатдан арзон ишлаб чиқариш мумкинлигини таъминлайди.

Ўқувчига эса турли платформаларда (операцион тизим) ишлаганда ўқув материалларининг интероперабеллигини таъминлаб беради.

Юқорида келтирилган стандартларни ўрганиш орқали масофадан ўқитиш курсининг архитектураси аниқлаб олинди (1-расм). Унга кўра курсдан фойдаланувчи фақатгина “Бажарилиш муҳити” доирасида фаолият олиб боради. Ўқув-методик материаллар эса “Метамаяълумотлар” қисмига юклатилиб, у LMS (ўқитишни бошқариш тизими) орқали ўқувчига етказилади.



1-расм. Масофадан ўқитиш курсининг архитектураси

Диссертациянинг иккинчи боби “**Информатика**” фанини интегратив шаклда ўқитишнинг методик асослари” деб номланади. Бу бобда ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитишни ва ўқув контентини бошқариш тизимларидан фойдаланиш, “Информатика” фанини интегратив ўқитишнинг методик тизими, ўқув-методик материаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш методикаси (Moodle тизими мисолида) очиб берилган. Ўқитишда қўлланиладиган дастурларнинг гуруҳлари келтириб ўтилган: муаллифлар ишлаши учун мўлжалланган пакетлар (Authoring Packages, AP); ўқитишни бошқариш тизимлари (Learning Management Systems, LMS); контентни бошқариш тизимлари (Content Management Systems, CMS); ўқитишни ва ўқув

контентини бошқариш тизимлари (Learning Content Management Systems, LCMS).

Келтирилган гуруҳларнинг хусусиятларини очиб бериш орқали тўртинчи гуруҳга мансуб очик кодга эга дастурлар турли мезонлар орқали солиштириб чиқилди (2-жадвал) ва Moodle тизимининг устунлиги аниқланди. Шунинг асосида кундузги таълимда масофадан ўқитиш курсларини яратишда Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment, объектга йўналтирилган модулли динамик ўқув восита) асос қилиб олинди.

## 2-жадвал

### Ўқитишда қўлланиладиган очик кодга эга LCMSларнинг айрим бир мезонларга<sup>3</sup> мослиги


Мезонлар	Ўқитишда қўлланиладиган очик кодга эга тизимлар				
	ATutor	Claroline	Sakai	Moodle	Ilias
URL-манзили	www.atutor.ca	www.claroline.net	www.sakailms.org	www.moodle.org	www.ilias.de
Тизим версияси (сентябрь, 2021 йил)	2.2.4	1.11.10	19.3	3.11.1	5.4.10
Лицензияси	GNU GPL	GNU GPL	GNU GPL	GNU GPL	GNU GPL
Тизим интерфейси*	қулай	ноқулай	ноқулай	қулай	ноқулай
Бир неча тиллар учун мўлжалланганлиги*	51 та тилда	35 тилда	19 та тилда	120 та тилда (ўзбек тилида ҳам)	43 та тилда
Интегратив таълимда қўллаш мумкинлиги*	мумкин	қисман мумкин	мумкин	мумкин	қисман мумкин
Ўқитишда қўлланиладиган педагогик методларни мослаштирилганлиги*	мослаштирилган	қисман мослаштирилган	қисман мослаштирилган	мослаштирилган	қисман мослаштирилган
Ўқувчилар сонига чегара*	йўқ	мавжуд	мавжуд	йўқ	мавжуд
Ўқув контентидан кўп марта фойдаланиш мумкинлиги*	мумкин	мумкин эмас	мумкин	мумкин	мумкин эмас
Стандартларга мослиги	SCORM, AICC IMS, W3C	SCORM	SCORMга тўлиқ мос эмас	SCORM, AICC IMS	SCORM, AICC IMS
Тузилиши	ядро + модуллар тўплами	ядро + модуллар тўплами	ядро + модуллар тўплами	ядро + модуллар тўплами	ядро + модуллар тўплами
Кўшимча дастурларга талаби	PHP, Apache, MySQL, MyAdmin	PHP, Apache, MySQL	Java, PHP, Apache, MySQL, Tomcat, Oracle	PHP, Apache, MySQL, Maria DB, Postgres	PHP, Apache, MySQL, MariaDB
Кенг тарзда қўлланиладиган форматлардан фойдаланиш мумкинлиги*	мумкин	қисман мумкин	мумкин	мумкин	қисман мумкин
Web-браузерларда ишлаши*	Google Chrome, FireFox, Opera, Internet Explorer	Google Chrome, FireFox, Internet Explorer	Google Chrome, FireFox, Internet Explorer	Google Chrome, FireFox, Safari, Edge, Internet Explorer	Google Chrome, FireFox, Internet Explorer
Платформаси	кроссплатформали	кроссплатформали	кроссплатформали	кроссплатформали	кроссплатформали
Сервер қисмининг ишонарлилиги (0-5 баллгача)	4	3	3	4	3

<sup>3</sup> (\*) белги билан келтирилган мезонлар диссертант томонидан киритилган.

“Информатика” фанини интегратив шаклда ўқитишнинг методик тизими такомиллаштирилган (2-расм). “Информатика” фанини интегратив ўқитишда ўқитишнинг мақсад, вазибалари ва мазмуний тузилмаси сақланиб қолди.

“Информатика” фанининг олий таълим муассасаларидаги мазмуний таркибига турли қарашлар мавжуд. Халқаро ACM ва IEEE Computer Society ташкилотлари томонидан яратилган “Computer Engineering Curricula 2016. Curriculum Guidelines for Undergraduate Degree Programs in Computer Engineering” ҳужжатида олий таълим муассасалари ўқув дастурларида информатиканинг қуйидаги бўлимлари бўйича мавзулар бўлиши тавсия этилади: ҳисоблаш алгоритмлари, компьютер архитектураси ва ташкиллаштириш, рақамли дизайн, мужассамлашган тизимлар (Embedded Systems), компьютер тармоқлари, касбий амалиётга тайёргарлик, ахборот хавфсизлиги, сигналларни қайта ишлаш, тизимлар ва лойиҳалар инженерияси, ресурсларни бошқариш тизимлари, дастурий таъминотни яратиш. Тавсия этилаётган мавзуларни бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари билан солиштирсак, “Информатика” фанининг мазмуни халқаро талабларга 60-70% тўғри келди.

Ўқитиш воситалари сифатида босма нашрлар (ўқув адиётлари ва уларнинг электрон кўриниши), ўргатувчи дастурлар, маълумотлар базаси, билимлар базаси, эксперт тизимлар, аудио материаллар, видео материаллар, телекўрсатувлар, электрон (виртуал) лаборатория ишлари, электрон (виртуал) тренажёрлардан, LMS ва LCMSдан фойдаланилади.



**2-расм. “Информатика” фанини ўқитишнинг методик тизими**

Интегратив ўқитишда анъанавий ўқитишдан фарқли равишда билимларни ўзлаштиришда ахборот-рецептив, репродуктив, муаммоли ўқитиш, блок-модулли ва эвристик ўқитиш методларидан кенг фойдаланилади. Дарсни ташкил

